

ВАТАНПАРВАР

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА
ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ
ОРГАНИ

● 2002 йил, 14 февраль, пайшанба № 20 (1596).

Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

● Сотувда эркин нархда.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ
ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

● Четверг, 14 февраля, 2002 г. № 20 (1596).

Газета издается с 24 июня 1992 г.

● В розницу — цена свободная.

Минтақавий анжуман

Тошкентдаги «Интерконтиненталь» меҳмонхонасида БМТ Болалар жамғармаси — ЮНИСЕФнинг Марказий Осиё мамлакатларида Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш форумининг навбатдаги минтақавий анжумани бошланди.

Анжуман иштирокчилари икки кун давомида Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш форумининг Душанбеда бўлиб ўтган учрашуви тавсиялари ижросини кўриб чиқади. Бу масала

юзасидан ҳар бир мамлакатнинг ҳисоботи тингланади. Минтақада гўдақлар, она ва болалар касалликларининг олдини олиш, улар ўртасида ўлимни янада камайтириш истиқболларини аниқлаш, касалликларга қарши эмлаш, аҳоли саломатлигини мустақамлаш бўйича тadbирлар белгиланади.

Сўзга чиққанлар Ўзбекистонда оналар ва болаларнинг ижтимоий ҳимоя қилиниши таъминлаш бўйича кенг қамровли ишлар олиб бори-

лаётганини, бу борада маҳсус давлат дастурлари ишлаб чиқилиб, улар изчиллик билан ҳаётга татбиқ этилаётганини алоҳида таъкидлади.

Тadbир доирасида бўлиб ўтган матбуот анжуманида Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазири Феруз Назиров ва ЮНИСЕФнинг минтақавий ваколатхонаси раҳбари Филипп Хейффинг журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарди.

Анжуманда Бош вазир ўринбосари, Республика хотин-қизлар қўмитаси раиси Дилбар Гуломова иштирок этди.

Подписано соглашение

12 февраля в Термезе состоялась очередная встреча Министра обороны Республики Узбекистан Кадыра Гуламова с Федеральным Министром обороны Германии Рудольфом Шарпингом, который в этот день посетил Афганистан. Глава военного ведомства Германии поделился итогами своих встреч в ходе визита в Афганистан. Затем Рудольф Шарпинг познакомился с жизнедеятельностью группы военнослужащих бундесвера, которые в аэропорту города Термеза занимаются перегрузкой поступающего гу-

манитарного имущества для афганского народа.

В тот же день Министр обороны Республики Узбекистан Кадыр Гуломов и Федеральный Министр обороны Германии Рудольф Шарпинг, а также Чрезвычайный и Полномочный Посол Германии в Узбекистане Мартин Хеккер подписали Соглашение об использовании аэропорта города Термеза в период проведения миротворческой операции.

Пресс-служба Министерства обороны Республики Узбекистан.

Хукуматлараро комиссия мажлиси

Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигида савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Финляндия хукуматлараро комиссиясининг учинчи мажлиси бўлди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин дунёнинг тараққий этган давлатлари билан иқтисодий алоқаларни фаол йўлга қўя бошлади. Ана шундай давлатлар сирасига Европада ўзига хос

нуфузга эга бўлган Финляндия ҳам киради. Комиссиянинг бу галги мажлисида асосий эътибор икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш масаласига қаратилди.

Мажлисида, даставвал, Ўзбекистон ва Финляндиянинг иқтисодий ривожланиш жараёни, унинг истиқболи ҳақида атрафлича ахборот берилди. Икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг ҳозирги аҳоли, уни ривожлантириш истиқ-

боли маззусида маъруза тингланди. Шунингдек, Финляндия хукумати дастури доирасида мамлакатимизда молиявий ва техникавий ҳамкорликни ривожлантириш бўйича лойиҳаларни ҳаётга жорий қилиш имкониятлари муҳокама этилди.

Финляндиялик меҳмонлар юртимизга ташрифи давомида бошқа вазирлик ва муассасаларда ҳам музокара-лар ўтказилди.

Маҳалла — тарбия таянчи

Истиқлол туфайли маҳалла ҳалқимизнинг ўзига хос миллий ўзини ўзи бошқариш тизими сифатида тикланиб, ҳаётимизда тобора муҳим ўрин тутмоқда. Президентимиз Ислам Каримов таъкидлаганларидек, юнак инсоний фазилатлар айнан инсон тарбиясининг муҳим таянчи — маҳалла муҳитида камол топапти. Шу маънода, миллий истиқлол ғояларини ҳалқимиз, айниқса,

ёшларимиз оғи ва қалбига мустаҳкам сингдиришда маҳалла катта аҳамият касб этади.

Пойтахтимизда маҳаллаларда миллий истиқлол ғоясини кенг тарғиб ва ташвиқ этишнинг долзарб масалаларига бағишлаб ўтказилган илмий-амалий анжуманда шу ҳақда сўз юритилди. Республика «Маънавият ва маърифат» маркази, шаҳар ҳокимлиги ҳамда Миллий

мафкура илмий тарғибот маркази ҳамкорликда ташкил этган мазкур тadbирда пойтахт маҳаллалари, турли муассаса ва ташкилотлар вакиллари қатнашди.

Анжуманда миллий истиқлол ғоясининг асосий тушунча ва тамойилларини кенг кўламда тарғиб этишда маҳаллалар ва таълим муассасалари, олимлар ва мутахассислар ҳамкорлигини янада кенгайтириш зарурлигига эътибор қаратилди.

● 2002 йил — қарияларни қадрлашиили

Кексалар саломатлиги — эътиборда

Мамлакатимизда уруш қатнашчилари, ёлғиз кексалар ва ногиронлар тўғрисида гамхўрлик кучаймоқда, уларни доридармон билан таъминлаш тобора яхшиланмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг «Қарияларни қадрлаш йили» давлат дастури тўғрисидаги қарори бунинг яна бир яққол далилидир.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги Кардиология илмий текшириш институтидан УЗА мухбирига хабар беришлари-ча, Қарияларни қадрлаш йили муносабати билан бу ер-

да кексаларга тиббий кизмат кўрсатишни яхшилаш мақсадида амалий чора-тadbирлар белгиланган. Ёлғиз кексалар саломатлигининг мунтазам мониторингини олиб бориш, уларга зарур тиббий ёрдамни тезкор равишда кўрсатиш, пенсия ёшидаги шахсларни ҳар йили диспансер кўригидан ўтказишни ташкил этиш шулар жумласидандир.

Жамоада кардиология соҳасида олиб борилаётган ишлар кўлами янада кенгайтирилди. Маълумки, артериал

гипертония — юқори қон босими касаллиги ҳозир анча кенг тарқалган. Айтиш керакки, нафақат гипертония, балки бошқа юрак-қон томир касалликлари ҳам ёш улгайган сари кучаяди. Шу босим институт шифохоналари ушбу касалликнинг қарияларда кечиб хусусиятларини ўрганиш ва даволаш услубларини такомиллаштириш бўйича мунтазам илмий изла-нишлар олиб бормоқда.

(УЗА).

САИЕРАМИЗ САДОСИ

БМТ бош қотиби Кофи Аннан Исроил ҳукуматини Фаластин раҳбари Ёсир Арафотни таъқиб қилишни тўхтатишга ва мавжуд муаммоларни тинч йўл билан ҳал қилиш учун бор имкониятни ишга солишга чақирди. Бундай қўпол хатти-ҳаракатлар Яқин Шарқ можаросини янада кескинлаштириб юбориши турган гап, деди бош қотиб.

Карачи полицияси раҳбари Тариқ Жамол «Уолл-стрит жорнал» газетасининг бир неча кун илгари ўғирлаб кетилган мухбири Дэниел Перл тирик эканини маълум қилди. Унинг билдиришича, ушбу жиғотни содир этганликда шубҳа қилинган Аҳмад Умар Лаҳор шаҳрида ҳибса олинган ва сўроқ пайтида америка-

лик журналист ҳали ҳаёт эканини айтган.

Афғонистон муваққат ҳукумати раҳбари Ҳамид Карзай февраль ойи охирида Эронга сафар қилмоқчи. У Эроннинг Афғонистондаги элчиси Иброҳим Тоҳирён билан учрашиб, бўлажак сафар икки мамлакат алоқаларини ривожлантиришга йўл очажоғига умид билдирди.

(УЗА).

Хизмат жойи осмон бўлар



Менимча, XIX аср схирида немис муҳандиси Отто Лилиентал «Қушлар парвози авиациянинг асоси сифатида», деб номланган китоб ёзаётганида улкан бир кашфиётга қўл ураётганлигини ҳаёлига ҳам келтирмаган бўлса керак. Бу китобни илк бор ўқиганлар ҳам «бу комхаёл», дея қулиб қўйишган бўлишса ажаб эмас. Чунки ўша давр мутахассисларининг авиациядан умиди йўқ эди. Бу соҳанинг имконияти чекланган, деган фикрда эди. Бироқ, вақт эса аксини кўрсатди — Лилиентал дастлаб планер яратди, кейин моноплан ихтиро қилди. У 2000 дан зиёд мураккаб парвозларни амалга оширди. Аммо, афсуски, навбатдаги парвозлардан бирини ҳалок бўлди. Америкалик муҳандис

Октав Шанют Лилиентал ғояси асосида аэроплан яратди. АҚШлик велосипед сотувчи Луион эгалари Орвил ва Уилбер Райтлар Лилиентал ва Шанютнинг қатор ғояларини ўрганиб чиқишиб, 1900 йилда ўз аэропланларини синовдан ўтказганлар. Бу энди авиациянинг пайдо бўлиши бора-бора камайиб, учувчи бўламан деган ўғил болаларни кўлаб учратасиз. Бу борада ўзбекининг ўғлонлари ҳам четда қолишаётгани йўқ.

Ҳозир гап ана шундай (Давоми 2-бетда).

ХИЗМАТ ЖОЙИ ОСМОН БУЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда).

«Ўғил бола»ларнинг бири — Жиззах ҳарбий авиация билим юртиниң учувчилик факультети тўртинчи курс курсанти Мирзиёд Мирҳайдаров ҳақида. Мирзиёд Тошкент шаҳрининг Шайхонтоҳур туманидан. Болалиғи Эски Жўва атрофида ўтган.

— Шаҳарга сизга қолган чоғларим, осмонга чиқиб кетиши озу қилардим, — дейди у. — Қани эди, юқорига чиқиб олиб, бузулар, назаримда, улар осмонга тўшалган гиламлар эди, орасида маза қилиб

кечгача ўйнасам, дея қилган хаёлларга берилар эдим. Аслида, Мирзиёднинг болалиғида бундай хаёлларга берилиши бежиз эмас эди. Чунки унинг дадаси Мирқамол Мирҳайдаров «Ўзбекистон ҳаво йўллари» авиаконаниyasi учувчиларидан. Амакиси Мираҳмад Мирҳайдаров ҳам учувчи. Болалиғида дадаси совет қилган ўйинчоқ самолётча ҳамон у билан бирга. Балки унинг мурғак қалбида ўшанда илк бор учувчи бўлиш иштиқи тугилган.

— Қайси кун, қайси ой, қайси йилда менда учувчилик касбига меҳр уйғонганини билмайман, — дейди

у. — Менимча, аниқ вақтини билишимнинг аҳамияти йўқ. Мухим — менда болалиғимда учувчилик касбига меҳр уйғонган эди. Бу меҳр мени мана шу билим юртига етказди.

Курсант Мирзиёд Мирҳайдаров билим юртига ўқиниға қарғач, курсант кўниға муваффақиятлан ўтаб келди. Ҳозиргача бирорта фандан «тўрт»дан наёт баҳо олгани йўқ. Ундан юқориси жуда кўп.

— Самолётда мустақил парвоз қилганимча, — дейди у. — курсантларим сингари жуда кўп синовларда ўтдим. Дастлаб назарий билимларим текшириб кўрил-

ди. Кейин жисмоний тайёргарлиғим қай даражада эканлиғи аниқланди. Учувчи учун соғлиқ биринчи ўринда туради. Соғлиғингизда өзгина камчилик борми, парвоз қилолмайсиз. Узингиз ҳам биласиз, бекорга учувчиларни энг соғлом одамлар, дейишмайди. Уқиниш тамомлашимга ҳам оз қолди.

Ҳа, яна бир неча ойдан кейин курсант Мирзиёд Мирҳайда, ов курсантлари қатори офицер унвонига эга бўлиб, унинг ва курсантларнинг хизмат жойи аниқ — осмон.

Биз Мирзиёд ўқиниш муваффақиятли тамомлаб, хизмат жойи — осмонимизда бехатар парвозлар қилишни истаб қоламиз.

Майор А. ОБРУЕВ, «Ватанпарвар» мухбири, К. ТУРАЕВ олган сурат.

Мухим анжуман

Маълумки, Ватанга содиқлик, касбий муҳофаза шакллантириш, ҳарбий интизомни мустаҳкамлашдек устувор вазифалар ўқув мавсумининг шириндан ўрин эгаллаган. Бу эса мавсум давомида ўтказилмаган машғулотлар мазкур вазифалар асосига қурилшидан далелат. Яқинда Павлод гарнизонига қарашли ҳарбий бўлинмалар шахсий тартиби билан «Юксак жанговар тайёргарликка эришилди, серга, хушёр бузида, ҳарбий интизомни мустаҳкамлашда шахсий тартибнинг олдида турган вазифалари» мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Унда қисм командири подполковник Н. Тешаев, вилдат «Маънавият ва маърифат» маркази раҳбари тарихи фанлари доктори профессор С. Иноятов, шаҳар ҳуқуқшарлиқнинг олдини олиш бўлими катта позари милиция капитани Ш. Мирзаев, вивод командирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосарлари капитанлар — Ф. Облоқулов ва С. Тагировлар матрузалар қилишди. Тадбир ниҳоясида иштирокчилар ўлган ўзаро савол-жавоблар ўтказилди.

Майор Р. НАВРУЗОВ, командирнинг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари.

ШОГИРДЛАРИДАН УМИДИ КАТТА

Командирнинг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари капитан Дониёр Ваҳобов билан илк учрашган киши «ишдан кўра гапни» дундираганга ўхшади, деган тасаввурга ҳам бориши мумкин. Аммо унинг суҳбатини мароқ билан тингласангиз, фикрингиз ўзгаради. Шунда билим, тажриба, малала «сўзлаётгани» англаб етасиз.

Дониёр 1996 йилда Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртини тугаллаган. Мана салкам олти йилдирки, турли гарнизонларда хизмат қилиб келаяпти. Хизмат қилганда ҳам энг мураккаб, масъулиятли вазифада. Яъни, у билим юртини тугаллагандан бери посбонларнинг тарбиячи офицери, устози.

— Очиги, билим юртини тугаллаб келганимда тарбиявий ишларда тажрибам кам эди. Малакали устоз офицер — полковник Сабрилло Турсунов менга бу борада кўп нарсани ўргатди. Нафақат жанговар хизматдан, ҳаётдан ҳам анча сабақлар берди, — дейди суҳбатимиз аввалида капитан Д. Ваҳобов.

Шу ўринда командирнинг тарбиявий ишлар бўйича

ўринбосарининг асосий вазифаларига кўз югуртирсак. Аввало, шахсий тартибнинг интизоми, ахлоқий-руҳий аҳволи, ижтимоий-сиёсий тайёргарлиғи учун тарбиячи офицер жавобгар. Бундан ташқари ватанпарварлик тарбиясини шакллантириш мақсадида давлат, жамоат таркилотлари билан алоқа муҳим вазифалар бор. Энди бу соҳага нисбатан қўлланган, масъулиятли, мураккаб деган сўзларимиз моҳиятини кенгроқ англайдирсиз.

Дониёр ҳозирги вазифага ўтган йилнинг эзида тайинланди. Яъни, махсус бўлима таъминот қисми командирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосарлиғига. Маълумки, майор Д. Садриддинов етакчилик қилаётган махсус бўлима шунқорлари мавсумнинг якуини синов натижаларига кўра голиб, деб топилди. Вемалол айтишимиз мумкинки, бу ютуқда таъминот қисми аскарларининг ҳам улуши катта.

Масалан, таъминот қисмида хизмат қилаётган оддий аскар Зокир Умурақовни олайлик Уқчи аскар ижтимоий-сиёсий, тактик

тайёргарликлардан яхши натижада бўлиб ўтган дала-ўқув машғулотларида ҳам жанговар вазифани қойилмақом удралади. Хуллас, мазкур жамоадаги аскарлар таъминот борасидаги вазифаларини ҳам, бошқа жанговар вазифаларини ҳам юксак даражада бажариб келишаётди. Бунинг замирида эса тарбиявий ишнинг самараси борлигини англаш қийин эмас.

Маълумки, Мудофаса вазирлиги Тарбиявий ишлар бош бошқармасининг тадбирлар режасига мувофиқ қисм ва бўлинмаларда «Қуролли Кучлар — юксак фуқаролик ва ватанпарварлик туғулари тарбиялаш мактаби, Жанговар шайлиқни юксалтириш, уюшқоқлик ва интизомни мустаҳкамлаш — Ватан ҳимоячисининг муқаддас бурчи» мавзусида ижтимоий-сиёсий билимлар ягона кўни ўтказилляпти. Капитан Д. Ваҳобов бу борада машғулот ўтар экан, аввало эътиборин Президентимизнинг Қуролли Кучлар 10 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига йўллаган байрам табригидан кейин бундан асосий вазифаларга қаратди. Қолаверса, турли кўшимча адабиётлар ёрда-

мида машғулот кўламини кенгайтириб, ундаги ҳар бир масалага алоҳида тўхтади. Ҳатто жанговар шайлиқни ошириш борасида қишки ўқув мавсумида ютуқларга эришаётган посбонлар тажрибасини таҳлилий тарзда ифодалаб берди.

Уюшқоқлик ва ҳарбий интизомни мустаҳкамлашнинг самараси хусусида гап кетганда, қишки ўқув мавсуми аввалида катта лейтенант Янисор Маҳаматмуродовнинг шунқорлари эришган ютуқларини мисол қилиб келтирди. Таъкидлаш жоизки, айни пайтда ҳам мазкур гуруҳ аскарлари қисмда етакчилик қилишмоқда. Бир сўз билан айтадиган бўлсак, машғулотнинг умумий гаплардан кўра конкрет мисоллар, тажрибалар асосида бойитилиши посбонларда катта таассурот қолдирди.

Шижоатли, сергайрат тарбиячи офицернинг фаолият қирраларига назар ташлар эканмиз, шундай хулосага келамиз: капитан Ваҳобов — ўз касбининг устаси. Ҳа, устоз шундай бўлган, бу — шогирдларда ҳам самарасини бермай қўймайди. Дониёр «ўртоқ мухбир, қишки ўқув мавсумидан умидимиз катта», деганда балким ана шунини назарда тутгандир.

Капитан А. САҒАРОВ, «Ватанпарвар» мухбири.

САФДОШЛАРГА ЎРНАК БУЛИБ

Шартнома бўйича хизматдаги оддий аскар Самарбек Бурхонов ишқол қилувчи гуруҳнинг асл шунқорларидан. Бундайни баҳони биз эмас, гуруҳ командирининг ўзи берди.

Одатда, командир шунқоқ оқланганда қўл остидаги посбонга ана шундайни баҳо беради. Таъкидлаш жоизки, қишки ўқув мавсумида Самарбек бир неча бора жанговар ютуқлари билан сафдошларига ўрнак бўлди. Масалан, яқинда полигонда бўлиб ўтган махсус-тактик ўқув машғулотини олайлик. Бунда шартли душмани ўраб олиб, яқин қилиш вазифаси олдинга қўйилди. Албатта, душман ҳам анойи эмас. Қаршилик кўрсатади, жавоб зарбалари беради. Аммо сафдошлар оддий аскар Бурхонов сингари мард ўғлонлари бўлган ишқол гуруҳи жанговар вазифани муваффақиятли адо этди.

Бундан ташқари, Самарбек ижтимоий-сиёсий, тактик, жисмоний тайёргарликлар борасида ҳам кўпчиликка намуна. Қишки ўқув мавсумининг ортда қолган икки ойдаги кўрсаткичлари унинг ўз олдиға қўйган мажбуриятини виждонан бажарётганини кўрсатади.

— Қишки ўқув мавсумини ҳам юксак натижа билан тугаллашимга имконим бор. Фақат тажриба, маҳоратни янада шакллантириш бормоғим лозим, — дейди оддий аскар С. Бурхонов.

Ҳа, айнан тажриба, маҳоратни шакллантириш ютуқлари гарови эканлигини посбон яхши эканлиги. Негаки, бир неча ўқув машғулотлари давомида бунинг ёрқин ифодасини кўрган ҳам. Бундан бежиз таъкидламаямиз. Бу оддий аскар Самарбек Бурхоновнинг мавсумни аёло натижалар билан якунлашдан далелат. Ўзбекининг мард ўғлони сўздан қайтмағай.

Капитан Ш. ТОЛМАСОВ,

ВЕСТИ ИЗ ПОДРАЗДЕЛЕНИИ

ЕСТЬ У НАС МАСТЕРА

Богда нашему ремонтному подразделению поручают сложную и ответственную задачу, наш начальник капитан М. Курбанов привлекает к ее выполнению рядовых А. Ташматова и М. Янгимбаева. Оба этих механика-водителя знают многие тонкости своей работы, исправляют любые неполадки в грозной боевой технике, гордятся тем, что им доверено восстанавливать и ставить в строй танки.

Капитан М. Курбанов много делает для того, чтобы каждый его подчиненный стал настоящим профессионалом в своем деле. Умело обучая и воспитывая солдат срочной службы, он ведет коллектив к новым успехам. И хотя мы на сегодняшний день немного отстаем от лидеров — подразделения капитана А. Шукророва, к завершению зимнего периода обучения у нас есть все основания претендовать на звание лучших. И все это благодаря тому, что есть в нашем коллективе такие мастера, как рядовые А. Ташматов и М. Янгимбаев, на которых всегда можно положиться в трудном деле.

Рядовой А. АБДУРАЗЗАКОВ.



Ҳадемай оддий аскар Героил Ҳасановнинг мударли ҳарбий хизматига чақирилганига ҳам бир йил тўлади. Уқчи вазифасида хизмат қилаётган посбон бу мударт давомида ҳаётини сабақдан улкан сабақлар олди. Бугун эса ана ўша ўрганилган тажриба, орттирилган кўникма ўз самарасини бермоқда.

Яъни, наманганлик бу аскар йигит қишки ўқув мавсумида фаол қатнашиб, юксак натижаларга эришаётди. Яқинда бўлиб, ўтган навбатдаги дала-ўқув машғулотида эса у сафдошларига намуна кўрсатиб, ви-

шонга отиш бўйича аёло баҳога сазовор бўлди.

Наврўз байрамини намунали интизом, аёло хизмати билан қўтиб олишни ўз олдиға мақсад қилиб қўйган оддий аскар И. Ҳасанов барча тайёргарликлар бўйича фақат юқори натижаларни қўлга киритиш учун курашмоқда.

Суратда: оддий аскар И. Ҳасанов дала-ўқув машғулотида нишонга отиш машқини бажармоқда.

К. ТУРАЕВ суратга олган,

ПОНЕДЕЛЬНИК, 18.02

8.00, 14.00 «Симба-футбол»... 8.30, 20.50 «Стань героем»... 8.45, 14.30 «Из жизни жиготных»...

ВТОРНИК, 19.02

8.00, 14.00 «Симба-футбол»... 8.30, 20.40 «Стань героем»... 8.45, 14.30 «Для вас, садоводы»...

15.50, 2.20 «Золотой бубен»... 17.30, 2.00, 6.40 Просто песня... 17.55 Канал КП...

СРЕДА, 20.02

Профилактика до 20.00... 20.00, 2.20 Все это без тебя... 18.25, 3.25 «Вариант «Омега»»...

ЧЕТВЕРГ, 21.02

8.00, 14.00 «Симба-футбол»... 8.30, 20.40 Воля без садовода... 8.45, 14.30 «Для вас, садоводы»...

21.40, 5.55 «Дорога к смерти»... 22.30, 4.40 «Старые знакомые»... Команда «Старко»...

ПЯТНИЦА, 22.02

8.00, 14.00 «Симба-футбол»... 8.30, 20.25 «Детство в подарок»... 8.45, 14.30 «Для вас, садоводы»...

14.15 «Страна Фестивали»... 14.45 «Вместе»... 15.15 «Старые знакомые»... Команда «Старко»...

ВОСКРЕСЕНЬЕ, 24.02

8.00 Мультфильм... 8.25 «Страна Фестивали»... 8.55 Фильм «Капитан Пиллигима»...

СУББОТА, 23.02

8.00 Мультфильм... 8.20 «Молодые дарования»... 8.50 Фильм «Про Витю»...

К СВЕДЕНИЮ АБОНЕНТОВ КАБЕЛЬНОГО ТЕЛЕВИДЕНИЯ

В сетке вещания российских ТВ-каналов возможны временные изменения. По вопросам несоответствия указанного в программах времени следует обращаться в соответствующие службы кабельного и спутникового телевидения.

18 ФЕВРАЛЯ

6.00 «Ассалом, Узбекистон!»... 8.00 «Ташлинома»... 8.50 «Камаллак»... 9.30 «Четвертая власть»...

9.00 «Давр тонги»... 10.00 «Ночное колдовство»... 10.25 «Мульттамоша»...

10.40 «Увидимся в воскресенье»... 11.00 «Давр». Обзор недели... 11.30 География мира...

12.20 «Давр-чирок»... 12.40, 13.50 «Девона». Спектакль... 13.35 «Автосалтанат»...

15.05 «Почтовый одиссея команды Кусто»... 15.50 «Это такая игра»... Фильм...

17.25 Почта «Нового поколения»... 18.55 «Сказки братьев Гримм»... 18.20 Фарзандим — жигарбандим...

18-24 ФЕВРАЛЯ

19.40 Тафаккур ёлканлари... 19.55 Ешик наволари... 20.10 Голос молодежи... 20.30 Нежданный гость...

17.20 «Кот в сапогах»... 18.30, 20.00 «Пойтахт»... 18.45 «Селеста, всегда Селеста»...

19.50 «Авто-Дюкс»... 20.20 «Шальные деньги»... 21.35 «Неизвестный Кыдыкым»... Телефильм...

7.30-9.00 ОПТ... 17.05 Вести... 17.30 «Звезда души моей»... 18.20 «Сегодня в мире»...

18.30 В гостях у М. Евдокимова... 19.00 «Иди меня»... 20.00 «Кто хочет стать миллионером?»...

16.55-гача программа... 17.05 «Человек и море»... 17.45, 20.35 «Телехамкор»...

18.10 «Мелочи жизни»... 19.00 «Хранители памяти»... Фантастика...

21.00 Спокойной ночи, малыши!... 21.20 «Ошикона»... 21.30 «Критическая масса»... Боевик...

6.00 «Доброе утро»... 9.00, 12.00 Новости... 9.15 «Земля любви»...

10.15 Док. детектив «Операция выстрел. 2002 год»... 10.40 Поле чудес... 11.35 «Непутевые заметки»...

12.15 Фильм «Король Дикого Запада»... 13.45 На XIX зимних Олимпийских играх Горные лыжи... Супергигант (женщины)...

14.25 Солт-Лейк-Сити. Дневник Олимпиады... 15.00, 18.00 Новости (с субтитрами)...

15.20 Комедия «Операция «Ы» и другие приключения Шурика»... 17.00 Большая стирка... 18.30 «С легким паром!»...

19.00 Ждй мяя... 20.00 «Кто хочет стать миллионером?»... 21.00 Время... 21.35 «Убойная сила»...

5.50, 6.50, 7.50, 8.50 Вести — Москва... 6.00, 9.00, 11.00, 14.00, 17.00, 20.00 Вести...

6.10 «Православный календарь»... 6.25, 11.15, 23.35 «Дежурная часть»... 6.30, 7.30, 8.30 Новости Олимпиады-2002...

6.40, 8.40, 11.20 «Экспертиза РТР»... 7.10, 17.30 «Дорожный патруль»... 7.20 Афиша... 7.40 «Астра-бой»...

8.00 «Настроение»... 11.00 «Тихие страсти Магдалины»... 12.00 «Версты»... 12.40 Телегазета... 13.00, 20.00, 22.00, 2.05 События Времени мультимедиа... 13.15, 1.45 Петровка, 38... 13.20 «Дела»... 14.00 Профилактика до 20.00... 20.15 «Антиопия»... 20.55 «Без права на любовь»... 21.50 Пять минут деловой Москвы... 22.45 Особая папка... 23.15 Фильм «Черный принц»... 1.15 Времечко... 2.25 Ночной полет... 3.00 Поэтический театр Романа Виктюка...

18.50 Проклятия «Х»... 18.00 «Второй отряд»... 17.50 «Второй отряд»... 17.40 «Второй отряд»...

18.30, 1.00 Канал КП... 18.30 «Антигитлеровский вальс»... 18.30 «Антигитлеровский вальс»... 18.30 «Антигитлеровский вальс»...

11.50 «Второй отряд»... 11.50 «Второй отряд»... 11.50 «Второй отряд»... 11.50 «Второй отряд»...

11.50 «Второй отряд»... 11.50 «Второй отряд»... 11.50 «Второй отряд»... 11.50 «Второй отряд»...

19 ФЕВРАЛЯ

6.00 «Ассалом, Узбекистон!»
8.00, 20.30 «Ахборот»
8.40 Обзор газет.
8.55 «Узбекские фильмы»

17.20 «Санта-Барбара»
18.00 Мультфильм
18.30, 20.00, 21.20, 22.25 «Пойтахт»
18.45 «Селеста, всегда Селеста»

11.40 Смак
11.55 Библиомания
12.20 Дисней-клуб
12.40 На XIX зимних Олимпийских играх

14.30 «Земные девушки легко доступны»
16.30 «Не делай этого»
18.30, 1.00 Канал КП
18.50 С благодарностью госпоже Любе

24 ФЕВРАЛЯ

6.00 «Ассалом, Узбекистон!»
8.00 «Ахборот»
8.35 «Канал КП»
9.05 «Гаройнбот»

17.20 «Волшебный мир сказок»
18.00 «Спортивный мир»
19.20 «Телебюль»
19.30 «Табриклиймиз-кутлаймиз»

6.45 Фильм «Колодец»
8.10 Мультсеанс
8.35 КОАП
9.00 Слово пастыря

13.00 «Влюбленный манекен»
15.00 «От звонка до звонка»
18.20 Лучшие пелители
18.30 Канал КП

9.00, 19.00, 22.00, 23.40 «Давр»
9.15 Почта «Нового поколения»
9.45 «Сказки»
10.25, 20.55 «Эмеральда»

17.00, 20.00 Вести
6.10 «Православный календарь»
6.25, 8.15, 11.15 «Дежурная часть»

10.00 «Победный голос верующего»
10.30 «Джек разводит»
12.30 «Только сильнейшие»

8.00 «Настроение»
8.00 Газетный дождь
11.05 «Тягие страсти Магдалены»
12.05 Особая папка

8.00 «Давр»
8.00, 17.10 Студия «Новое поколение»
9.30 Футбол плюс
8.50 «Давр»-интервью

9.05, 11.30, 17.45, 20.30 «Теле-хамкор»
9.30 «Питер Пен»
10.00 «Двенадцать месяцев»

10.00 «Жизнь в слове»
10.30 «Прикосновение»
11.30, 17.00 «Мумия в холодильнике»

10.00 «Отчего, почему?»
11.00, 17.25 Мультфильмы
11.45 «Полевая почта»
12.20 Наш сад

ҚИЛИЧ ВА ҚАЛАМ БИЛАН

Шарқликлар Ватан тушунчасига қаттиқроқ боғланадилар. Хикрат улар рудиятини азобга солади. Онаюрт соғинчи кунгилларини бир дақиқа бўлин тинч қўймайди. Шарқликларнинг, хусусан, марказий осебликларнинг менталитети шундай.

Андижоннинг сўлим гўшасида таваллуд топган Заҳриддин Муҳаммад Бобур айни йигит ёшида Ватандан бош олиб чиқиб, ҳинд мулкида муқим ўрнашганида қўнидаги байтларни битган эди:

Толъ йўқи жонимга балолни бўлди,
Хар ишники айладим хатолни бўлди.
Уз ерни қўйиб Ҳинд сори юзландим,
Е раб, нетайини, не юз қаролни бўлди.

Бобур Самарқандни ишғол этганига қўл ҳаракат қилди. Эгаллаган бўлса-да қўлда узоқ ушлаб туролмади. Бунга қавми-қариндошларининг иноқ эмаслиги, хайрихоҳлик кўзи ила қарамаслиги боис эди. Оқибатда буюк темиррийзода Ҳиндистон сари от қўйди.

«Самарқанд сайқали рўйи заминаст» (яъни: Самарқанд ер юзининг кўрки) деб бежизга айтилмаган. Бу кентнинг табиати, мўътадил иқ-

лими, ҳайвонот, наботот дунёси, олиму фозиллари Ер юзида тенгсиз бўлгани тарихдан аён. Уша жозиб манзараларга қиёсланганда ўрта асрларда Ҳиндистон кўриниши ниҳоятда гариб эдики, бу алфоздан Бобур ўқиниб ёзди: «Ҳиндистон кам латофат ер воқеъ бўлубтур. Элида ҳуен йўқ ва ҳусни ихтилот ва омизини ва омаду рафт йўқ ва таъб ва идрок йўқ ва адаб йўқ...» Ушбу битикларни ёзаркан мирзо Ҳинд элини камситмайди, балки юксак тараққиёт даражасига таққосланди. «...яхши от йўқ ва яхши ит йўқ ва узум ва қовун ва яхши мевалар йўқ...» дея қайд этаркан, бор нарсаларни — фил, каркидон, маймуни каби ҳайвонларни, товус, тўти, дуррож каби қўшларни, анвойи гулларни завқу шавқ ила қаламга олади.

Бобур эҳтиросга берилувчан, гўзалликдан ҳайратга тушадиган одам бўлганлиги ёзганларидан маълум: У Мовароуннаҳрда ҳам, Ҳиндистонда ҳам ёвузликка, зулмга қарши бирдек курашади. Емон одамлардан қаттиқ нафратланади, яхшиларни улуғлайди.



Шоирлар азал-азалдан идеал ҳаёт интиёқида яшайдиган, нафис табиатли инсон саналганлар ва замон шитоби, алғов-далғови улар дилидаги орзу-ҳавасини сўндирди билмаган. Алалхусус, Бобур ҳам одамлардан улкан даражадаги эзгуликлар кутди. Муддаоси ҳосил бўлмагач, зорланди, тушқунликка тушди. Бироқ, гўзалликка доимо ошуфта бўлди, ҳаётни севиб яшади. Худди шу маънода Жавоҳарлаъл

Неру «Бобур дилбар шахс. Уйғониш даврининг тилик ҳукмдори, мард ва тadbиркор одам бўлган. У санъатни, адабиётни севарди, ҳаётдан ҳузур қилишни яхши кўрарди», деб ёзганида ҳақ эди.

Бобурийлардан эртақмонанд обидалар мерос бўлиб қолди. Уша ёдгорликлар нур ила ранг таланиб, ақлли лоя этди. Аммо, шоҳнинг нурмаъно байтлари шу шуъдалар шитобидан кам эмасдир, асло. Хусусан, Бобур ишқий мавзуда эҳтирос билан қалам тебратган.

Шоир соҳибжамол сочини гўзаллик сир-асрори сифатида талқин қилади:

Кўнгулга бўлди ажойиб бало қро сочинг,
Шикаста кўнгулма эрмиш қаро бало сочинг.

Сўзни ўнатиб юборди позантгаб шоир. Паривашнинг соҳлари товланиб тушига тушаркан рашк вақтида ошиқ бошига «тутун чиқад».

Бошимга чиқти тутун рашқдин қаро сочин
Аёққ тушғали, эй сарвиоз то сочинг.

Тасаввуфда соҳибжамолнинг зулфи сир-асрор кали-

ди образида кўрилади. Яъни соч гўзалликини яшириб турадиган бир восита. Соҳнинг ёйилиб кетиши, гўзаллик инкишофи шикаста кўнгуллари бутлайди:

Соҳинг шикаста бордур шикаста кўнгуллар,
Кўнгуллар очилур,

очилса, ул қаро сочинг. Бобур — сўз мусаввири. У сўз ила шундай нафису кўркем манзараларни чизадикки, ҳис-ҳаяжонга берилмасдан илож йўқ. Ларин шоир мисралари юракларга жаннат суви каби кириб боради. Унинг энг катта истаги ёр васлига етмоқ. Тақдир лозим кўрса:

Васлига етқурди даврон оқибат Бо журни, шуир,
Эмди давронни манга асло шикоят қолмади.

Шунча жозиб тушунишлар Заҳриддин Муҳаммад Бобурни мумтоз адабиётимизнинг ўлмас шиғомлари сафига қўшди. Унинг номи Алишер Навоий каби даҳолар қаторида тилга олинмади. Шахсият-шубҳасиз алломан замон бу шарафга муносибдир.

Мураққаб замоннинг олмас кўп фарзанди онаюртдан йироқда кўз юмди, бироқ, у истаган қадриятлар дўсту иноқ ўзбек ва ҳинд халқлари маънавиятида оҳиста-оҳиста кўз очмоқда.
Б. РЎЗИМАТОВ.

ҲАР КИМ ВА ҲАММА УЧУН - ДЛЯ ВСЕХ И КАЖДОГО

● МАШХУР КИШИЛАР ҲАЁТИДАН

СИЗНИ ЁЛГИЗЛАТИБ ҚУЙМАЙМАН

Қўнларнинг бирида таниқли адиб Жером К. истироҳат боғидаги қўлда бир хоним билан қайиқда сайр қиларди. Ёзувчининг укўвсизлик билан эшакан эшаётганини пайқаб қолган ҳамроҳи унга деди:

— Худо кўрсатмасин, мабодо қайиқ ағдарилиб кетса, чўкиб кетиним турган гап. Ахир мен сизни билмайман!

— Кўп ташвиш чекманг, хоним, — дея жавоб қилди Жером, — агар қайиқ тўнтарилиб кетадиган бўлса, мен сизни ёлғизлатиб қўймайман. Чунки мен ҳам сизни билмайман!

ФРАНЦУЗЧАНИ УРГАНИШ ҚИЙИН ЭМАС

— Француз тилини ўрганиш қийинми? — деб сўради бир хоним Гейнедан.

— Мутлақо қийин эмас! — дея жавоб берди машхур шоир. — Шупчаки немисча сўзлар ўрнига французча сўзларни қўшиб гап-равасиз.

Ш. ОТАБЕК тайёрлаган.

● ЕТТИ ИҚЛИМ

58 ЦЕНТ УЧУН... 10 ЙИЛ

Америка суд тизими одамларни зериктириб қўймайди! Мана масалан, икки йилни, Нью-Йорк судида «аср жинояти» кўрилмоқда.

Жавобгар, яъни уй-жойи

● БУНИ СИЗ БИЛАСИЗМИ?

АППЕНДИЦИТ

Биринчи марта у ошхона столида ўтказилган операцияда доктор Абраам Гровс томонидан 1883 йилнинг 10 май кунини олиб ташланган. Бу воқеа Канаданинг Фергус қишлоғида содир бўлган. Уш икки ёшли бола қориннинг пастки қисмида кучли оғриқ бўлаётганидан шикоят қилади. Қорин бўшлиғини очиб кўрган доктор шамоллаган аппендикс топади ва уни олиб ташлайди. Сўнгра лампа оловида қиздирилган зонд билан дезинфекция қилади. Бу операцияда у фақат пичоқ ва игнадан фойдаланган.

1874 йилда биринчи марта жарроҳлик асбобларини қайиштириб стерилизация қил-

йўқ бир дайди аёл жабрланувчининг автомашинасида, қанча дейсизми, нақ 58 цент ўғирлаган. Буни қараганки, жабрланувчи томон ва прокуратура уни оз эмас, кўп эмас нақ 10 йил қамоқ жазосига ҳукм қилишларини талаб қилди. Дайди эса сира ўзини айбдор деб тан олгиси келмапти. Солиқ тўловчилар бу

вақт мобайнида жиноятнинг сақлаш учун 16 миң доллар сарфланганидан дарғагаб. Агарда унга нисбатан прокурор талаб қилган жазо қўлланиладиган бўлса, бунинг учун 270 миң доллар сарфланаркан. Ким кимни жазолаётганини шундан ҳам билса бўлади.

З. ИСАКОВА тайёрлаган.

ган, 1885 йилнинг ноябрида биринчи бўлиб операция вақтида стериллашган резина қўлқопдан фойдаланган врач ҳам доктор Гровс бўлган.

АСПИРИН

Аспирин биринчи марта сотувга порошок ҳолатида Германиянинг «Байер АГ» фирмаси томонидан 1899 йилнинг май ойида чиқарилган. Ацетилсалицил кислотаси (аспирин — бу ҳимояланган савдо белгиси) биринчи марта 1853 йилда синтез қилинган, лекин фақат 1897 йилга келиб доктор Феликс Хоффман томонидан терапияда фойдаланиш мумкин бўлган тоза формада олишга муваффақ

бўлган. Бу дори аввалига фақат Германияда врач рецети бўйича сотилган.

Таблетка ҳолатида аспирин биринчи марта «Байер» фирмаси томонидан 1915 йилда сотувга чиқарилган.

ТЕНГЛИК БЕЛГИСИ

Биринчи марта тенглик белгиси (=) даи оксфордлик Роберт Рекорд ўз ёзув ишларида фойдаланган. Бу қўлёзмагар 1557 йилда Лондонда нашр қилинган. Муаллиф «дунёда иккита параллел чизиқдан тўғри нарсаси йўқ» бўлгани учун ушбу белгидан фойдаланганини таъкидлаган.

П. САИДИВАЛИЕВ тайёрлаган.



ТАШКЕНТСКАЯ ДЕВЧОНКА

Живет на Чиланзаре Девчонка Феруза. Повсюду предо мною Блестят ее глаза.

И радостным волнением Полна душа моя. Мне дали увольнение, Спешу на встречу я.

Ей нравятся погони, Парадный мой мундир. Я парень очень стройный, Пока не командир.

И я решил серьезно: Как только отслужу, Возьму себе я в жены Девчонку Ферузу.

Зеленые чинары Шеренгою стоят. Фонтаны голубые Прохладою манят.

Поет мне сердце звонко, Блестят ее глаза. На свете есть девчонна, Девчонка Феруза.

М. ДОКТОРОВ.

ПОХИЩЕНИЕ

В четверг в городе Ратленд, штат Вермонт, был ограблен офис компании, занимающейся продажей бронированных автомобилей. Грабитель проини в помещении офиса ночью. Связав двух охранников, он похитил 1,9 млн. долларов и скрылся. Об этом сообщил владелец компании Джерри Редер. В ходе расследования никто не пострадал.

◆ РЕКЛАМА ◆ ОБЪЯВЛЕНИЯ ◆ 56-54-76 ◆ РЕКЛАМА ◆ ОБЪЯВЛЕНИЯ ◆ 56-54-76

БАТАНПАРВАР

Объявления и реклама для опубликования в газете "Ватанпарвар" принимаются в редакции ежедневно с 9.00 до 16.00 (комн.27).

Адрес: ул. Кунаева, 21 (ориентир гостиница "Россия").

КУПЛЮ

Холод., мороз., БК,

шв. маш., овер., газ. пл., ТВ. Т.: 90-73-29.

◆ Холод., шв. маш., ТВ, в/маг., газ. пл., велосипед, стир. маш. «Киргизия», раб. и нераб. Т.: 74-95-15, 75-59-73.

◆ ВМ-12, «Комету-225», магнит., усилит., АС. Т.: 78-56-34, 56-27-39.

◆ Офицерскую папаху. Т.: 68-49-19.

◆ Старые значки, монеты, марки, открытки. Т.: 68-49-19.

◆ Компьютер. Т.: 182-29-58, 58-01-11.

ПРОДАЮ

◆ Холод., мороз. Т.: 90-99-29.

◆ Щенков пекинеса. Т.: 75-13-74.

РАЗНОЕ

◆ ЧФ «Дани-савдо» М. Улугбекского р-на г. Ташкента ликвидируется. Претензии принимаются в течение одного месяца со дня опубликования объявления по тел.: 48-55-32.

◆ Утерянный диплом Д № 996751, выданный Республиканским педагогическим институтом русского языка и литературы в 1992 году на имя АБДУЛЛАЕВОЙ Мухаббат Жураевны, считать недействительным.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2002 йил 12 февралдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, бошхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади: /

1 АҚШ доллари 633,02

*/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мажкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

● ФУТБОЛ. КУБОК ЧЕМПИОНОВ АЗИИ

В четверке сильнейших

Перед убитием бронзового призера прошлого года чемпионата карпинского «Насафа» в ОАЭ для участия в четвертьфинальном групповом турнире Кубка чемпионов Азии у некоторых болельщиков да и специалистов закрадывались тревожные сомнения. И было из-за чего — проблемой номер один оставался оптимальный состав команды. Однако надо отдать должное ее наставнику Бахрому Хакимову, который за короткий срок сумел ее разрешить, и «Насаф» предстал перед очными соперниками довольно хорошо укомплектованным по всем линиям клубом. А пополнился «Насаф» полузащитниками Февзи Давлетовым из «Дустлика», Алишером Базаровым из «Сурхана», помощником землякам прилетел из Малайзии Нумон Хасанов. Увидели мы в составе карпинцев Акмата Хошимова и Ойбека Усманходжаева. Горел желанием тренер видеть под знаменами команды и своего бывшего подопечного Асрора Аликулова, заключившего теперь контракт с российским «Ротором», но, к сожалению, из-за травмы тот не смог помочь «Насафу».

В стартовом поединке нашим футболистам противостоял чемпион Кувейта — команда «Аль-Кувейт». Первый тайм победителя не выявил, зато в начале второго шансы карпинцев заметно возросли — защитник Вахром Хайдаров выводит «Насаф» вперед — 1:0. Однако развить успех он сумел. Пытаясь, видимо, сыграть на удержание счета, в конечном итоге, «Насаф» пропустил гол, лишившись тем самым возможности заполучить три очка. Такой же результат был зафиксирован и в матче с иранским «Истиклолом», который проходил по тому же сценарию. Карпинцы открыли счет, но сопернику вновь

удалось отыграться. И вот наступал самый ответственный момент — только победа давала возможность «Насафу» застолбить место в четверке сильнейших команд континента. Добиться ее надо было над хозяевами поля — клубом «Аль-Вахда», который поддерживала многотысячная армия поклонников. Сказать, что карпинцы продемонстрировали зрелищный, атакующий футбол, нельзя. И на это были свои причины — в течение пяти дней провели три ответственных поединка — это что-нибудь да значит. И все же «Насаф» был лучшим, хотя поначалу здорово заставил нас поволноваться, когда оказался в роли догоняющего. Но не бесконечные силы были и у соперника, который под занавес первой половины игры забил мяч в собственные ворота, правда, не без помощи Хасанова. А спустя пять минут всюю уже ликовали мы, когда все тот же Хасанов мощным ударом из-за пределов штрафной площадки огорчил и вратаря, да и, пожалуй, все Объединенные Арабские Эмираты. Конечно, оставался еще второй тайм, и все могло измениться кардинальным образом, но выстояли карпинцы, выстояли ценой немалых усилий и пробились в заветный полуфинал.

Не пройдет и двух месяцев, как мы вновь с утроенным вниманием будем следить за выступлением карпинского «Насафа», у которого есть все необходимое для того, чтобы превзойти показатель ферганцев. Напомним, что в 1995 году «Нефтчи» стал бронзовым призером Кубка чемпионов Азии. Как уже говорилось выше, ждать осталось недолго. Решающие матчи состоятся 3 и 5 апреля.

С. НИКОЛАЕВ.

● ТЕЛЕАНОНС

«ВАТАНИМГА ХИЗМАТ КИЛАМАН»

24 февраля в 10 часов по первому каналу Узбекстанского телевидения смотрите очередной выпуск военно-патриотической передачи «Ватанимга хизмат киламан», подготовленный Военной студией Министерства обороны Республики Узбекистан.

В этом выпуске передачи авторы в своих телесюжетах расскажут о ратных буднях воинов-узбекистанцев, которые осваивают свои воинские профессиональные навыки в зимнем периоде обучения, проходящем под девизом: «Преданность Родине, профессионализм и дисциплинированность — долг и обязанность каждого военнослужащего».


Повтор этого выпуска смотрите во вторник, 26 февраля, в 16.55.

Наш корр.

ОТВЕТЫ НА КРОССВОРД, ОПУБЛИКОВАННЫЙ В № 17

ПО ГОРИЗОНТАЛИ: 7. Банкет, 8. Леонов, 10. Окрина, 11. Елена, 12. Каша, 13. Ватин, 17. Пахта, 18. Чаус, 22. Герой, 23. Ниагара, 24. Редюит, 25. Заскок.

ПО ВЕРТИКАЛИ: 1. Обноски, 2. Антраш, 3. Ремиз, 4. Везение, 5. Унгер, 6. Овчар, 9. Тарантино, 14. Миллиция, 15. Насадка, 16. Испанка, 19. Угорь, 20. Средства, 21. Варан.

КРОССВОРД

ПО ГОРИЗОНТАЛИ: 1. прикинулся певец Буйнов, 2. Ее нельзя (или не рекомендуется) сыпать на рану (песен.), 3. Театр из романа «Двенадцать стульев», 7. Пятнистая котья хищных кровей, 8. Ощущение страдания, 10. Основоположник дельтапланеризма, 12. «...горбунок», 14. Взлохмаченные пряди волос, 15. Женское имя, 19. Один из двух, по которым движется и поезд, и трамвай, 20. «Липо» свиный, 22. Биополе, 23. Что такое ревертаза? 24. «Эмигрировавшая» сестра Чукотки, 25. Грызуны.

ПО ВЕРТИКАЛИ: 1. Тропическое растение, которым

Составила Д. ВАЛИЕВА.

ВОСТОЧНЫЙ ГОРОСКОП

ОВНЫ могут рассчитывать на получение прибыли в коммерческих операциях. При покровительстве небесных светил все дела будут даваться легко, а подписанные контракты и договоры уже совсем скоро начнут работать на ваш карман. В личной жизни появится много всего нового и неожиданного. Удачные дни — вторник и среда.

ТЕЛЬЦЫ смогут впервые за долгое время вздохнуть свободно: преследовавшие денежные проблемы наконец-таки отступят на задний план. Те, кто занимается бизнесом, получат возможность многократно укрепить финансовые позиции за счет контракта, заключенного с новыми партнерами. Благоприятные дни — понедельник и среда.

БЛИЗНЕЦОВ астролог предупреждает о тучах, которые спустятся над вашей коммерческой деятельностью. Если это возможно, отложите важные операции на более поздний срок, ибо сейчас вы можете быть крупно обмануты. В качестве альтернативы работе рекомендуется отдых, причем наиболее успешной в этом плане будет зарубежная поездка. Благоприятный день — среда.

РАКАМ самообладание и интуиция помогут с честью выйти из любой самой сложной ситуации, в которую, не исключено, попадете в самом начале нового лунного года. При этом старайтесь избегать ненужного общения с неприятными людьми и будьте терпеливее к домашним и друзьям. Удачные дни — вторник и среда.

ЛЬВАМ начало нового лунного года дает отличную возможность значительно продвигаться в профессиональной деятельности. Следует проявить максимум инициативы и предприимчивости, тогда результатом этих усилий обязательно станет реализация вашей личной профессиональной цели. Удачные дни — суббота и воскресенье.

ДЕВЫ смогут легко добиться улучшения финансового положения. Вы сможете с невероятной легкостью получить то, что раньше казалось недоступным. Будьте снисходительны к окружающим людям, не конфликтуйте с ними, тогда удача непременно вам улыбнется. Удачные дни — пятница и суббота.

ВЕСАМ звезды дают отличный шанс проявить свои таланты или продемонстрировать деловую хватку, подняв тем самым свой рейтинг в глазах начальства или партнеров по бизнесу. Не беритесь за дела, о которых не имеете полного представления: ни к чему хорошему это не приведет. Удачные дни — вторник и четверг.

СКОРПИОНЫ первые дни нового года по восточному календарю должны будут посвятить решению проблем, связанных с профессиональной деятельностью. Пока не закончите то, что уже накопилось и давно требовало вашего вмешательства, даже и не думайте браться ни за какие новые дела — толку от этого все равно не будет. Удачный день — понедельник.

СТРЕЛЬЦАМ удачное расположение звезд позволит проявить свои способности на разных поприщах. Возрастает удачливость, благодаря чему сможете с необычайной легкостью разрешить все возникающие вопросы, добиться успеха в любых делах, за которые возьметесь, или реализовать свою заветную мечту. Благоприятные дни этой недели — пятница и воскресенье.

У КОЗЕРОГОВ первая неделя нового года по лунному календарю станет весьма благоприятным периодом для заключения контрактов и договоров, оформления бумаг и финансовых сделок. В то же время в семейных отношениях вероятны непредвиденные трудности и осложнения. Удачные дни — вторник и среда.

ВОДОЛЕЯМ недели сулит удачу во многих начинаниях, особенно в делах, связанных с недвижимостью. В этот период вы можете смело начинать возведение нового дома или заниматься всевозможными квартирными обменами — вы останетесь в плюсе от подобных операций, несмотря на то, что близкие не одобряют ваших решений. Удачный день — вторник.

РЫБАМ будет сопутствовать успех в поиске дополнительных источников дохода или нового места работы. Если давно подумывали сменить род деятельности, то начало года по лунному календарю — лучшее время для реализации подобных желаний. Единственное, о чем следует помнить, — это не переоценивать свои возможности. Удачный день — понедельник.

КОНТАКТНЫЕ ТЕЛЕФОНЫ:

Отдел подписки — 56-03-46.
Информация, реклама — 56-54-76.
Факс (3712) — 56-07-80.

Наш адрес: 700031, г. ТАШКЕНТ,
УЛ. Д. КУНАЕВА, 21.

Ответственность за достоверность сведений в рекламе и объявлениях несет рекламодатель. Газета зарегистрирована в Государственном комитете Республики Узбекистан по печати. Рег. № 00050. Этот номер отпечатан в типографии газеты «Ватанпарвар».

Заказ 070.

Бош мухаррир
Ўринбосари
подполковник
Х. ЖУМАНАЗАРОВ